



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАРНИ РАЎБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикаимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, миллий махсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш ва валюта тушумларини кўпайтириш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича **2021 йил 20 август куни** ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябр-

даги “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПФ–6091-сон Фармони ва 2021 йил 13 июлдаги “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ–5184-сон қарорига асосан экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортдоли молиялаштириш кредитлари учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан Экспортни раўбатлантириш агентлиги ҳузуридаги Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 200 миллион АҚШ доллари ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни либераллаштириш орқали ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича **2021 йил 20 август куни** ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2022 йил 1 январдан бошлаб:**
камерал солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган ҳуқуқбузарлик-

лар учун молиявий санкциялар қўлланилмайди;

тадбиркорлик субъектлари томонидан **солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаганлик учун молиявий санкциялар бекор қилинади.**

2. Давлат солиқ қўмитасининг **2022 йил январь — июль ойларида** эксперимент тарикасида **Хоразм вилояти** давлат солиқ бошқармасида **ҳисобда турган солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи, акция солиғи, айланмадан олиннадиган солиқ ва юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботларининг** солиқ органлари томонидан **ҳисоблаб чиқарилиши ва шакллантириб берилиши** тўғрисидаги тақлифи қўллаб-қувватлансин.

▶ Давоми 3-бетда

Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимиз халқига Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ўзининг самимий табрик ва тилақларини билдирди.

Ўз табригида Ҳиндистон ва Ўзбекистон чуқур тарихий алоқаларга асосланган яқин ва дўстона муносабатларга эга эканини таъкидлади. Рам Натх Ковинд турли даражадаги стратегик шериклик ва ҳамкорликни, шу жумладан, минтақавий ва кўп томонлама алоқаларни кенгайтириш давом этишини таъкидлади.

Ҳиндистон Республикаси Президенти мамлакатимиз раҳбарига сўхат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашда муваффақиятлар тилади.




Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелла Ўзбекистон Республикасига порлоқ келажақ тилаган. Унинг таъкидлашича, икки томонлама алоқалар сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда сезиларли даражада фаоллашган. Италия Президенти бу алоқаларнинг келажақда ҳам икки томонлама, ҳам минтақавий даражада янада ривожланишига умид қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан муносабатларини мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлашини изҳор этган.



Арманистон Республикаси Президенти Армен Саркисян Президент Шавкат Мирзиёевга йўллаган табригида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстона муносабатларга ургу бериб, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз янгидан-янги лойиҳаларни амалга оширишга ҳамда Арманистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги давлатлараро алоқаларни янги сифат босқичга кўтаришга хизмат қилишига ишонч билдирган.



Грузия Президенти Саломе Зурабишвили грузин халқи ва шахсан ўз номидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевни мамлакат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан табриклар экан, Ўзбекистон Грузиянинг узоқ йиллик дўстлик ва ҳамкорлик ришталари билан боғланган муҳим шериги эканлигини таъкидлайди. У бугунги мураккаб даврда бу шерикчилик ўзаро ҳурмат ва бирдамлик руҳида янада ривожланишига ишонч билдирди.



Молдова Республикаси Президенти Майя Санду ҳам ўзининг самимий тилақларини йўлади. Ўз табригида Ўзбекистон бундан буюн ҳам тараққиёт ҳамда мамлакат ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар йўлидан оғишмаслигини таъкидлаган. Шунингдек, фурсатдан фойдаланиб, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли Молдова Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ҳар иккала давлат ва уларнинг фуқаролари манфаатлари йўлида янада ривожланишда давом этишига ишонч билдирган.



Литва Республикаси Президенти Гитанас Науседа Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ўз табригини изҳор этиб экан, мамлакатимизга узоқ йиллик тинчлик ва фаровонлик, халқимизга эса саломатлик ва муваффақиятлар тилаган. Шунингдек, у жорий йил яна бир муҳим сана — мамлакатларимиз мустақиллиги ўзаро тан олинганига 30 йил тўлганини таъкидлайди.

Мақтубда қайд этилишича, Ўзбекистон Литванинг Марказий Осиёдаги асосий савдо шериги, бироқ бу ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун им-



кониятлар ҳали кўп. Литва Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлайди. Таъкидланишича, янада яқин мулоқот Ўзбекистоннинг иқтисодий равнақига, демократик ислохотлар ва самарали давлат бошқарувиға кўмаклашади, икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан **Эстония Республикаси** Президенти Керсти Кальюлайд табрик йўллаб, мустақиллик Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очганини, дунё ҳамжамиятида суверен ва замонавий давлат сифатида ривожланиш истикболини белгилаб берганини таъкидлади. Унинг қайд этишича, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик бундан кейин ҳам ўзаро манфаатли соҳаларда давом этаверади.



Греция Республикаси Президенти Катерина Сакелларопулу Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кўни муносабати билан грек халқи ва шахсан ўз номидан самимий табрик йўллаб, Ўзбекистон халқига тараққиёт, Президент Шавкат Мирзиёевга муваффақиятлар тилаган.



Чехия Республикаси Президенти Милош Земан Президент Шавкат Мирзиёевни давлат мустақиллиги байрами муносабати билан қутлар экан, Ўзбекистон раҳбари ва бутун ўзбек халқига муваффақият ва фаровонлик тилади.

Жаноб Земан, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик умумий манфаатларнинг барча соҳаларида ривожланишда давом этишига ишонч билдирди.



▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

БИТТА МИЛЛАТ, БИТТА ДАВЛАТ

Давлат мустақиллигимизни тиклаганимизнинг ўттиз йиллиги чин маънода тўй бўлди, байрам бўлди. Очигани айтганда, ўн, йигирма, йигирма беш йилликларнинг хумори чикди... Уч минг йиллик давлатчилигимиз тарихининг ҳар бир йили азиз, бироқ киши ўзи яшаб, ишлаб туриб, ўз кўзи билан кўрган, ўз қулоғи билан эшитганларининг қиммати бутунлай ўзгача сифат топиши табиий.

Ижодий умрини асосан, миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганишга бағишлаб келган олим ўлароқ, унинг минг, юз, ўн йилликлари манзараларининг ҳужжатли исботларини келтира оламиз. Барча икир-чикирларини билмасак-да, ўзаги, устунни, тизимни, асосий босқичлари, шахслари, қо-



нуният ва ҳулосалари кўз олдимизда гавдаланиб тураверади. Бироқ, яқин-яқингача одатий бўлиб келган сўнги ўттиз йиллик босқич эндиликда тамомила бошқача мазмун ва тароват бахш этмоқда.

Тарихни сабоқ олиш учун ҳам ўргана-миз. Сабоқ олиш учун эса, ўрганилаётган тарихий муддатнинг қисқалиги катта аҳамият касб этмайди. Битта шарт билан албатта: агар у жўшқин кечса...

Истиқлолнинг илк чорак асри мустақил давлатчилигимиз ва иқтисодийтимиз пойдеворини яратишдек ўта оғир

юмушлар бажарилгани билан ажралиб туради. Илмий нўқтаи назардан баҳоланганда, мазкур босқичда мустамлака-совет даври асоратлари ҳали ҳам кучини йўқотмаган, тегишли чоралари кўрилмаса, эндиги шароитда ҳам ўз мағзини сақлаб қолган ҳолда, янгиша шакл-шамойил касб этиш хатари юқори эди. Шундай бўлди ҳам. Афтидан, худди шу омил туфайли ушбу палла билан боғлиқ қарашлар, ёндашувлар, ҳолатлар, натижаларда ички қарама-қаршилиқлар яққол сезилиб туради.

▶ Давоми 3-бетда

ТАДБИРКОРЛИК

ГУЛДЕК НОЗИК, ТОҒДЕК БАРДОШЛИ

Ишнинг кўзини билдирган, ғайратли, ишбилармон одам нафақат ўзи ва оиласи, балки мамлакат иқтисодиётига наф келтиради. Кейинги йилларда ислохотларимиз таянчига айланиб бораётган тадбиркорлик соҳаси юртимизда жадал ривожланмоқда. Ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келаётгани, соҳада меҳнат қилаётган 5 миллиондан зиёд аҳоли орасида аёллар улушининг ҳам юқорилиги, айниқса, қувонарлидир.

▶ Давоми 4-бетда



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиз мустақиллиги куни муносабати билан **Швеция қироли Карл XVI Густав** Ўзбекистон халқига ўзининг самимий табриги ва эзгу тилаklarини йўлади.



Бахрайн Подшоҳи Ҳамад бин Исо Ол Халифа ўзининг самимий табриклари ва энг эзгу тилаklarини йўлади. Фурсатдан фойдаланиб, Президент Шавкат Мирзиёевга сихат-саломатлик, бахт-саодат, халқимизга эса унинг оқилона раҳбарлигида давомий тараққиёт ва фаровонлик тилади.



Ушбу муҳим сана нишонланиши муносабати билан **Бахрайн Валиаҳди, Бош вазири Салмон бин Ҳамад Ол Халифа** ҳам давлатимиз раҳбарига ўзининг самимий табригини йўлади.

Дўст Ўзбекистон халқига барқарор тараққиёт ва фаровонлик, саломатлик ва муваффақиятлар борасидаги яхши тилаklar етказилди.

Иордания Подшоҳи Абдуллоҳ II бин ал-Ҳусайн Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларини йўллаб, мамлакат ва халқимизга янада тараққий этиш ва раванқ топишини тилади.



Кувайт давлати амири Наввоф Ал-Аҳмад Ал-Жобир Ал-Сабоҳ миллий байрам муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев ва Ўзбекистон фуқароларига ўз табрикларини йўлади. Шу билан бирга, мамлакатлар ва халқларимиз ўртасидаги мустақкам алоқаларни янада ривожлантиришга тайёрлигини билдирди.



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги нишонланиши муносабати билан **Бруней-Даруссалом султони Ҳожи Ҳассанал Болкиах** ҳам ўзининг самимий табригини йўлади.



Дўст давлат раҳбари икки томонлама муносабатларни мустақкамлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг давом этишига умид билдирмоқда. Ўзбекистон халқига тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик борасидаги тилаklarини изҳор этди.

Марокаш Подшоҳи Муҳаммад VI ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ўз табригини юборди. У Ўзбекистон халқини самимий қўлаб, келгусида муваффақиятлар ва фаровонлик тилади.



Марокаш ҳукумати яқин келажақда самарали ҳамкорлик фақат кенгайишига умид билдирди ва Ўзбекистон билан яқин дўстона алоқалар ва ўзаро муносабатларни қадрлаши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан **Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулмажид Таббун** Жазоир ҳукумати ва шахсан ўз номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни табриклади.



У давлатимиз раҳбарига мустақкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилади. Абдулмажид Таббун Ўзбекистон ва Жазоир халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликка асосланган муносабатларни мустақкамлаш, барча соҳаларда икки томонлама манфаатли алоқаларни янада юқори даражага қўтариш учун Жазоир барча имкониятларни ишга солишга тайёр эканлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан **Ироқ Республикаси Президенти Барҳам Солих** Ироқ халқи ва ўз номидан самимий табриги ва эзгу тилаklarини йўллаб, халқларимиз манфаатлари йўлида турли соҳаларда давлатлар ўртасидаги муштарак ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.



Канада генерал-губернатори Мэри Мэй Саймон Президентимиз ва Ўзбекистон халқини табриклаб, Канада давлатларимиз ўртасидаги шерикчилик алоқаларини низоҳатда қадрлашини ва иқтисодий ҳамда қатор масалалар, хусусан, минтақавий тинчлик ва хавфсизлик, иқлим ўзгаришлари ва минтақада сув ресурсларини бошқариш бўйича икки томонлама муносабатларни мустақкамлаш тарафдори эканлигини, шунингдек, устувор соҳаларда ҳамкорликни чўқурлаштиришга умид қилишини билдирган.



Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Нгуен Суан Фук ўз табригида ўтган даврда жаноб Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон ва унинг халқи эришаётган ютуқлардан вьетнамликлар низоҳатда мамнун эканлигини таъкидлаган. Вьетнам Ўзбекистон Республикаси билан анъанавий дўстона алоқаларни жуда қадрлайди ва бу муносабатлар 2022 йилда ўзаро дипломатик алоқалар йўлга қўйилганининг 30 йиллигини нишонлайдиган халқларимиз оруз-умидларига ҳамоҳанг тарзда янада ривожланишига ишонади, дейди Президент Нгуен Суан Фук.



Ўзбекистон Республикаси Президенти **Лаос Халқ демократик Республикаси Президенти Тхонгун Сисулитнинг** мустақиллик байрами муносабати билан қўтловларини қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Лаос халқи номидан самимий қўтлов ва эзгу тилаklar билдирилди.



Президент Тхонгун Сисулит Лаос Халқ демократик республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тинчлик ва барқарорлик учун халқларимизнинг ўзаро манфаатлари йўлида янада мустақкамлашиб, ривож топиб боришига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан **Таиланд Қироли Маха Важиралонкорн** табрик йўллаб, Ўзбекистон ва унинг халқига соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик тилади.



Табриқда, шунингдек, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги мустақкам дўстлик алоқалари, шубҳасиз, ўзаро қўп қиррали ҳамкорлигимизни янада мустақкамлашга хизмат қилиши таъкидланган.

Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель Бермудес Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан самимий табрик йўллаб, ўзбек халқига ўзининг энг эзгу тилаklarини изҳор этган.



Никарагуа Республикаси ярашув ва миллий бирдамлик ҳукумати номидан **Даниэль Ортега Сааведра ва Росарио Мурильо** халқларимиз ва ҳукуматларимизни тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт йўлида бирлаштирувчи дўстлик ришталари, бирдамлик ва ҳамкорликни янада мустақкамлаш тарафдори эканлигини фахр билан изҳор этган.



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги билан Президент Шавкат Мирзиёев ва Ўзбекистон халқини **БМТ Бош қотибининг Махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман** табриклади.



Табриқда таъкидланишича, 30 йил ичида Ўзбекистон ўзининг очиқ ва конструктив ташқи сиёсати, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илғари сурилаган минтақавий ва халқаро миқёсдаги муҳим ташаббуслар тўғрисида дунё ҳамжамиятида муносиб обрў-эътибор қозонди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон — иқтисодий, маданий ва маънавий уйғониш жараёни давом этаётган, Учинчи Ренессанснинг мустақкам пойдеворини яратётган кенг миқёсда демократик ўзгаришлар, улкан имкониятлар ва амалий ҳаракатлар мамлакатидир.

Герман хоним Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал даражада кун тартибига турган тинчлик ва хавфсизликка оид долзарб масалалар бўйича қўшни мамлакатлар билан конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқотни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини олқишлаган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти Бош директори жаноб Цой Дунъюй Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни муносабати билан ўзининг энг эзгу тилаklarини йўлади. Табриқ орқали Президент Шавкат Мирзиёевга саломатлик ва бахт-саодат, ўзбек халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик тилаklарни етказилди.



Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жағфармаси (ҚХРХЖ) президенти Жильбер Ф. Унго ҳам ўз табригини йўллаб, сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган муҳим ислохотлар иқтисодий ўсишга туртки бергани таъкидлаган. Қайд этилишича, мамлакатимиз ҚХРХЖга 2011 йилда қўшилган ва шундан буюн ҳамкорлигимиз жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Бу борада ҚХРХЖ Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришларига мослашувчан кичик ҳажмли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини, ёшларнинг иқтисодий истиқболларини кенгайтириш бўйича асосий шериги сифатида эътироф этилган.



Шунингдек, ҚХРХЖ Ўзбекистон ҳукуматида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларида, мамлакатда қишлоқларда камбағалликни қисқартиришга бўлган интилишларида доимий елкадош эканлиги таъкидланган.

Жаҳон божхона ташкилоти Бош қотиби Куньо Микурия ўз табригида ЖБТнинг Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлиги ривожига Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ролини низоҳатда қадрлашини маълум қилиб, бу ўзаро ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришнинг намунаси эканлигини таъкидлаган ҳамда ЖБТ ва Ўзбекистон, айнқиса, Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликни давом эттириш тарафдори эканлигини билдирган.



Европа тикланиш ва тараққиёт банки Президенти Одиль Рено-Бассо мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан табрик йўлади. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистон катта ютуқларга эришди ва нафақат минтақа, балки унинг ташқарисиди ҳам намуна бўлгулик бу ютуқлар бутун дунё томонидан эътироф этилмоқда.



Кимёвий қуролларни тақиқлаш бўйича ташкилот директори Фернандо Ариас ўз табригида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқига энг эзгу тилаklarини изҳор этган.



Жаноб Ариас, шунингдек, мамлакат раҳбариятига Кимёвий қуролларни тақиқлаш бўйича ташкилотни қўллаб-қувватлаганлиги ҳамда кимёвий қуролдан холи бўлган тинчликка эришиш йўлида глобал саъй-ҳаракатлар доирасидаги яқин ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирган.

Туркий Кенгаш Бош қотиби Бағдод Амреев Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги билан Туркий тилли давлатлар ҳамкорлиги Кенгаши ва шахсан ўз номидан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга ва қардош Ўзбекистон халқига самимий табриклар ва энг эзгу тилаklarини изҳор этди.



У шуни алоҳида қайд этдики, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида янги давлат ва жамият қуриш бўйича тарихий ишлар амалга оширилган, матонатли ва олижаноб ўзбек халқининг иродаси ва улкан салоҳияти билан катта ютуқларга эришилган.

Бағдод Амреев мамлакатимиз раҳбарининг туркий давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, сайёҳлик, транспорт ва транзит соҳаларидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, қардош халқларимизнинг буюк маданий-тарихий меросини сақлаш ва оммалаштириш бўйича саъй-ҳаракатлари учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Туркий Кенгаш Бош қотиби мамлакатимиз Президентига мустақкам соғлиқ, бахт ва катта зафарлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан **ТУРКСОЙ Бош қотиби Дюсен Касеинов** ўзининг самимий табригини йўлади. Унда Ўзбекистон халқининг бирдамлик руҳи Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда ривожланиб бораётгани таъкидланади.



ТУРКСОЙ Бош қотиби, шунингдек, туркий халқлар ўртасида қарор топган ҳамкорлик янада ривожланишига ва барча соҳаларда муҳим муваффақиятлар гарови бўлиб хизмат қилишига ишонч бирдирган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Исланд дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) **бош директори Салим Ал-Малик** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва бутун халқимизни самимий муборакбод этди.



Салим Ал-Малик ICESCO номидан мазкур ташкилот ҳам бу тантанали кунни давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқи билан бирга нишонлаётганини таъкидлади. Унинг қайд этилишича, ICESCO ташкилотга аъзо давлатларни қўллаб-қувватлашда ва узоқ мuddатли ҳамкорлик қилишда давом этади.

Москва ва бутун Рус Патриархи Кирилл муҳим сана — мустақилликка эришганимизнинг 30 йиллиги муносабати билан йўлаган табригида таъкидлаганидек, Ўзбекистон халқи суверенитет йилларида сиёсий, ижтимоий ва маданий янгиланишлар билан боғлиқ катта йўлни босиб ўтди. Ўтган ўн йилликлар эса мамлакат тараққиётида, иқтисодий модернизациясида, миллатлараро ва динлараро мулоқотнинг йўлга қўйилишида муҳим босқич бўлиб қолади.



Давлатимиз раҳбарига Рус Православ Церковининг Тошкент епархияси фаолиятига қаратилаётган эътибор учун алоҳида миннатдорлик изҳор этилди. Давлат ҳокимияти органлари ва барча эзгу ниятли жамоатчиликнинг конструктив ҳамкорлиги эътироф этилади.

Бошланиши 1-бетда

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг **2021 йил 1 октябрдан бошлаб:**

Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан **йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ долларидан ошган корхоналарга** экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорттолди молиялаштириш кредитлари учун тижорат банклари орқали бир марталик молиявий ресурслар **5 миллион АҚШ долларигача микдорда** ҳамда бир йилгача мuddатга тақдим этилиши;

охириги ўн икки ой давомида **1 миллион АҚШ долларидан ортиқ тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган корхоналарга** асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариши учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар олиб киришда **божхона тўловларини тўлаш бўйича фоиз ҳисобланмаган ҳамда уларнинг тўлашишни таъминлаш талаб этилмаган ҳолда**

120 кунга тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғини тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш мuddатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низомига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритсин.

3. Белгиланган қўйилсинки: ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлик учун ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан жарималар қўлланилиши, шунингдек, ушбу Фармон кучга киргунига қадар қўлланилган жарималар ундирилиши **2021 йил 31 декабрга қадар** тўхтатилади;

2021 йил 1 октябрдан юқори сифат ва назорат тизимига эга мамлакатлардан сертификатланган ва декларацияланган асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар, хомашё, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар, қўтариш

мосламалари ва транспорт воситалари импортида миллий сертификат олиш талаби бекор қилинади;

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан корхоналарга экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорттолди молиялаштириш кредитлари учун тижорат банклари орқали бир марталик молиявий ресурслар тақдим этиш тартибини тасдиқлаш ва ўзгариш киритиш ҳуқуқи берилади.

4. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.У. Умурзаков) **икки ҳафта мuddатда:**

Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорттолди

молиялаштириш кредитлари учун бир марталик молиявий ресурслар тақдим этиш тартибига тегишли ўзгаришлар киритсин;

Европа мамлакатларига қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизини компенсация қилиш тизимини бир йил мuddатга жорий этсин;

сертификатланган ва декларацияланган асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар, хомашёлар, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар, қўтариш мосламалари ва транспорт воситалари импортида миллий сертификат олиш талаб қилинмайдиган юқори сифат ва назорат тизимига эга давлатлар рўйхатини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 7 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, эксперимент доирасида:

а) **солиқ органлари:**

юридик шахслардан олинadиган ер солигини — Кадастр агентлиги органлари маълумотлари асосида;

қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва айланмадан олинadиган солиқни — электрон ҳисобварақ-фактура ва онлайн назорат-касса техникаси маълумотлари ҳамда солиқ органларида мавжуд бошқа **маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқаради ва солиқ ҳисоботини шакллантиради;**

б) солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботи солиқ тўловчилар учун белгиланган тегишли солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан камда **10 кун олдин** солиқ тўловчининг **шахсий кабинети орқали юборилади;**

в) солиқ тўловчи солиқ органлари томонидан шакллантирилган **солиқ ҳисоботини олган кундан бошлаб 5 кун ичида уни тасдиқлайди** ёки, агар эътирозлари мавжуд бўлса, уни рад этган ҳолда, **солиқ ҳисоботини қайта ишлайди ва ўрнатилган тартибда солиқ органларига тақдим этади.**

4. Давлат солиқ кўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) **2022 йил 1 январга қадар** солиқ тўлов-

чиларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва айланмадан олинadиган солиқни ҳисоблаш учун зарур бўлган солиқ солиш объекти ёки солиқ солиш билан боғлиқ бошқа **объектларни электрон ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш имкониятларини яратсин;**

б) қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига кiritсин:

2021 йил 1 ноябрга қадар қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида, шунингдек, солиқ солиш объекти ва (ёки) солиқ солиш билан боғлиқ бошқа объектлар бўйича маълумот тақдим этиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўчайтириш бўйича таклифларни;

2022 йил 1 августга қадар эксперимент натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда уни республиканинг барча ҳудудларидаги солиқ тўловчиларга татбиқ этиш ҳамда солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботи шакллантирила-диган солиқлар рўйхатини кенгайтириш бўйича таклифларни.

5. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб

Давлат солиқ кўмитаси раиси Ш.Д.Кудбиев белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юксансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 августгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 7 сентябрь

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

БИТТА МИЛЛАТ, БИТТА ДАВЛАТ



**Азамат ЗИЁ,
ЎЗРФА Тарих институти
директори, тарих фанлари
доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Тўғри, ўзлик, миллийликдан озиқланадиган тарих, адабиёт, тил, санъат сингари жуда керакли йўналишларда бир қатор жиҳдий уринишларга қўл урилди. Бироқ ажаблანарлиси (?), уларнинг бирортаси бўйича кўрсатиб, мактанса аризигулик ярқ этган натижага эришилмади.

Амир Темуր шахсининг бутун бойлиги ва қимматини олдиниға ўз элмизга, қолаверса, бутун оламга етказиб берувчи биронта пишиқ-пuxта илмий, адабий, кино, театр, рассомлик асарлари яратилдими? Ҳа, дея олмаймиз.

Қани, ўзга халқлар ва давлатларда ана шундай, ҳеч бўлмаганда, Шоҳрух даражасидаги улуг зот бўлганида эди, бошқаларга гап бермасдилар ҳам, бировларнинг қўзини очирмасдилар ҳам.

“Тему́р тузуқлари” тилимиздан тушмагани рост. Аммо ҳарб ишини болаларимизга “Суворов” мактабида ўргатиб келдик. Қани мантик?

Мустақиллигимизнинг йигирма тўққизинчи йиллига (!) келибгина, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг топшириғи билан “Тему́рбеклар мактаблари” тузилди, ўттизинчи йилда (!) эса, нихоят, “Тему́р тузуқлари” ўқув қўлланмаси яратилди.

Келинг, тан олайлик, биринчи ва иккинчи Уйғониш даврларини ўзбек миллати билан боғлаш у ёқда турсин, ўтмишимизда шундай тарихий босқичлар бўлгани ҳақида ичимиздан кимдир яқин-яқингача тузуқроқ сўз ютдимми ўзи? Ёстиқдек-ёстиқдек илмий ишлар, дарсликларда ушбу мавзу бормиди? Шоирларимизнинг бу борадаги биронта тўртлиги-ю, забардаст ёзувчиларимизнинг кичикроқ ҳикояси бўлганми? Ҳа, дея олмаймиз!

Кишилик борлиғида ҳеч бир миллат ва давлатга насиб қилмаган бундай ноёб ҳодиса — қўшалоқ тарихий палла Президентимизнинг 2020 йил 31 августдаги чиқишида: **“Халқимизнинг улугвoр қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”**, дея янрагандан кейингина онгимизга етиб боргани ҳам ҳақиқатдир.

Миллий сиёсий тафаккуримиз чўққисида бу каби ёрқин ва кучли ирода қақнашини кутмаганлар уни ҳазм қилолмай, ҳозир ҳам ўзларига келолмай юрганлари бор гап! Давлат мустақиллигимизни тиклаганимиздан кейин ҳам “ўзбекники ўртада” бўлиб келгани, миллий бойликлари-мизнинг моддийларигина эмас, маънавийлари ҳам, аввало, буюк ўтмишимиз, улуг боболаримиз мероси талон-тарож қилиниб, тарқоқликда тентиратиб қўйилганини бугун айтмасак, яна қачон айтиш мумкин?

Ҳолбуки, кишилик тарихидаги биронта янгилик ва ихтиро Мухаммад Хоразмий хизматига тенг кела олмаса керак. Айнан бизнинг буюк бобомиз — ўзбек олими инсониятнинг илк рақамлаштириш чоғини бошлаб берган, дейишга барча асосларимиз бор. Бу ерда ҳеч бир муболага йўқ. Тилга олинган тарихий ҳақиқатни тасаввур қилиш учун эса, юртдошимиз яшаган вақтда ўзи дунёда нима гап эди, деган саволни кўндаланг қўйиб, сўнг унга жавоб беришимиз даркор, холос.

Гарчи кенг ва тор маъноларда XXI аср Шарқ яна уйғонаётган юз йиллик чоғи бўлса-да, ҳолис айтганда, Европа ва Шимолий Американинг сўнгги икки юз йилдаги чиндан ҳам сиёсий, иқтисодий, илмий-технологик илғорлигининг оҳори ҳали тўкилганча йўқ. Мустамлака-совет даврида “миллий борлиқ ва тараққиётимиз” масаласини ёритиш ва оммага етказиш, четдан қараганда, “социалистик дунё”, аслида эса, Россия империяси ва коммунистик мафжура нўқтаи назаридан йўлга қўйилгани сабаб бисотимиздаги бормизни, аввало, мазкур “дунё”, ундан ортса, Европа цивилизацияси орқали баҳолашимиз зарур эди. Сиёсий-мафжуравий аҳамият касб этган ва етмиш беш йил узлуқсиз нўқталган ушбу зарурат қон-қонимизга шу қадар сингиб кетдики, шонли ўтмишимизнинг бирор босқичи ёки саҳифасини баҳолар эканмиз, ҳалигача қарашимиз Алп тоғлари томон оғиб, тилимиз учига “Европа” атамаси келаверади.

Жаҳон тарихчиларининг ҳолислари “мустамлакачилик босқичи” улароқ баҳоланадиган XVI-XХ асрлардан бурунги минг йилликларда кишилик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланиши асосан, Шарқда кечгани, Европа эса ўтмиш тарихчиларимиз томонидан “оламнинг обод бўлаги” сифатида таърифланган, Ўрта ер денгизидан Хитой ва Ҳиндистонгача ястанган кенгликнинг чеккаси саналганини инкор этмайди. Узоққа бориб нима қиламиз, Мухаммад Хоразмий (783-850) ва Аҳмад Фарғоний (797-865) математика, астрономия, физика бўйича чуқур изланишлар олиб бораётган бир пайтда Европада росмана илм-фаннинг ўзи бўлмаганини ўша ерлик замонавий тадқиқотчилар тан олади. Ўқимишларлар камдан-кам топиладиган VIII-IX асрларнинг занкили вакили ирландиялик авлиё Беда (672-735) бармоқда санаш назарияси билан шуғуллангани эса, қўп нарсасга ишорадир.

Бугун қанчалик ҳайрат тўғрисида, сўз кетаётган замонда европоликлар, масалан, савдогарлар учун бармоқларнинг тикка, эгилган, букилган, қўш ва бошқа кўринишлари орқали санаш, ҳисоб-китоб қилиш кундалик турмушнинг ажралмас ва табиий эҳтиёжи эди. Ҳаммасидан ҳам ошиб тушгани эса, ушбу санаш йўсини Европа дарсликларида XVI-XVII асрларда ҳам ўргатилганидир, албатта.

Кишилик цивилизацияси дейилганда Шарқ тушунилган, унинг сиёсий, иқтисодий, илмий-маданий, маънавий юраги эса, Турон деган кенгликда IX-XII асрларда кечган турмуш ва иш унумдорлиги даражаси жаҳондаги энг юқориси бўлгани ҳам яхши маълум. Биринчи Уйғониш даврининг бошқа омилиларини эътиборга олманган тақдирда ҳам сўз кетаётган асрларда ўнлик санок тизими (0 1 2 3 4 5 6 7 8 9) тўфайли аждодларимиз ҳаёти рақамлашиб бўлган эди. Бунинг амалий қимматини баҳолаш учун ҳандасавий тезликда рақамлашиб бораётган ҳозирги замонни кўз ўнгимизга келтиришнинг ўзи етарли бўлади, деб уйлаймиз.

Бу пайтда Европа нима билан банд эди, деган саволга жавобни Рим империяси кулагандан кейинги даврнинг бирдан-бир йирик математиги саналимиз византиялик Максим Плануд (1260-1305) фаолияти орқали берган маъкул. Ҳеч бир кесатиқсиз, чиндан ҳам замонаси ва китъасининг улуг олими бўлган мазкур зот ўнлик санок тизими ҳақида рисола ёзгани ҳамда византияликлар учун квадрат илдиз чиқаришни кашф этгани билан машҳурдир. Бунда у ўзбекининг буюғи Мухаммад Хоразмийнинг тўрт юз эллик йиллар бурун битилган “Ҳинд ҳисоби” ва “Ал-жабр”идаги ўнлик санок тизими ва квадрат тенгламалари

бўйича янгиликларга таянгани мутахассисларга яхши маълум.

Мухаммад Хоразмийнинг бошқа асарлари, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Чағминий, Улугбек, Жамшид Коший, Али Қўшчининг математика, физика, астрономия, геодезия, геология, минералогия, кимё, тиббиёт, доришunosлик, ботаника сингари аниқ ва табиий фанларни қамраб олган илмий меросининг назарий ва амалий аҳамиятини ўз давригина эмас, кейинги асрларда ҳам солиштириш учун “оламнинг обод бўлаги”дан ташқарида бирор баҳона топиш жуда қийин.

Фақат бир тарихий ҳақиқатни айтмасак бўлмас: номининг ўзиёқ эндиликда кўпчилиكنинг оғиз сувини қочирадиган Оксфорд, Кембриж, Париж (Сорбонна) университетлари улуг аждодларимиз Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Синонинг математика, астрономия, физика, тиббиётга оид ишлари лотинчага ўгирила бошланган XII-XIII асрларда ташкил топгани ва уларда ўзбек олимларининг тили олинган фанлар бўйича асарларидан дарслик ўрнида фойдаланилгани шунчаки тасодиф эмас!

Сезгир ўқувчи “Бундан қикди, юртимиз кишилик цивилизациясининг ўчоғи бўлган экан-да. Нега биз мазкурлардан хабарсиз бўлиб келганмиз-у, бу ҳақида нега энди-энди айтилмоқда, ёзилмоқда”, деб савол ташлаши табиий ва бунга ҳақлидир.

Очиғини айтганда, ушбу — адолатли савол бизни ҳам қийнайди. Унга жавоб исташ эса, бар-

Мустақиллигимизнинг йигирма тўққизинчи йилига (!) келибгина, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг топшириғи билан “Тему́рбеклар мактаблари” тузилди, ўттизинчи йилда (!) эса, нихоят, “Тему́р тузуқлари” ўқув қўлланмаси яратилди.

Келинг, тан олайлик, биринчи ва иккинчи Уйғониш даврларини ўзбек миллати билан боғлаш у ёқда турсин, ўтмишимизда шундай тарихий босқичлар бўлгани ҳақида ичимиздан кимдир яқин-яқингача тузуқроқ сўз ютдимми ўзи? Ёстиқдек-ёстиқдек илмий ишлар, дарсликларда ушбу мавзу бормиди? Шоирларимизнинг бу борадаги биронта тўртлиги-ю, забардаст ёзувчиларимизнинг кичикроқ ҳикояси бўлганми? Ҳа, дея олмаймиз!

чамизнинг ишимиздир. Негаки, ўзликини англаш мана шундай оғир ва аччиқ саволларга ҳаққоний ва оқилона жавоблар топиш орқали ҳам тобланади. Йўлни эса, ҳаётнинг ўзи кўрсатади. Бундан 31 август куни бўлиб ўтган тадбирлар маъно-моҳияти ҳам мустасно эмас.

Ушбу санада Қатагон қурбонлари ёд этилиб, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида улар ҳақида дуолар ўқилиб келинаётганига ҳам йигирма йил тўлибди. Уларнинг деярли барчасида шахсан қатнашган бўлса-да, бу галгиси бутунлай бошқача бўлганини барчамиз кўрдик.

Гап шундаки, қатагон қурбонлари дейилганда, жуда кўпчилик ўтган аср мустамлака-совет даври ўттизинчи йилларида юз берган қирғинлар ва элпигинчи йиллар қама-қамаларини тушуниб келади. Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳақида анчайин одам эшитгани билан у ерга қадам босган-босмаганини худо билади. Умуман олганда, ўтган йиллар давомида мажмуининг ўзи миллатимиз эрки ва давлатимиз озодлиги йўлида шахид кетган аждодларимизнинг умуммиллий зиёратгоҳига айланди, деёлмағиз.

Ваҳоланки, биргина Россия империясига 126 йиллик қарамлик даврида қўлидаги қуроли ва қалами, вужудидаги билими, истеъдоди, маърифати, ишбилармонлиги, юрт ва элсаварлиги, эътиқоди, ихтиёрлиги мол-мулки ва бойлиғи билан босқичли-мустамлакачиларга қарши туриши, хавф тўғдириши муқаррар ва мумкин саналган ўш минглаб аждодларимиз — ёшу қари, эркагу аёл ўлдирилди, қамалди, сургун қилинди. Мўғуллар, араблар, юнонлар, форсларга қарши курашлар, қарамлик даврларида берилган қурбонликлар-чи!

Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши қабул қилиниши сўз кетаётган масалага оқилона ва адолатли ёндашишга йўл очиб берди, деб қаттиқ ишонамиз. Негаки, мазкур тарихий ҳужжатда қатагон қурбонларининг ҳар бирининг (!) номини аниқлаш, Тошкент шаҳридаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида барпо этиладиган рамзий китоб саҳифаларига киритиш, кўп жилдлик “Қатагон қурбонлари” китобини чоп этиш ва, эътибор беринг, улар туғилиб воёга етган ва яшаган маҳаллалар ҳамда умумтаълим мактабларида хотира бурчакларини ташкил этишдек ўта зарур вазифалар белгилаб берилди. Ўтган деярли бир йил ичида бутун ҳудудда олиб борилган ободонлик ишлари, айовнал қурилиши, музей биносининг қайта тикланиши, маъмурият учун янги иморат кўтарилаётгани, гўмбазли айовоннинг сайқалланиши мажмуа нихоят одамларимиз юраги ва онгида қаттиқ ўрнашиб қолиши учун хизмат қилишига ҳеч бир шубҳа қолдирмайди.

Куннинг бошланиши фақат мазкур жиҳатлар билан эсда сақланиб қолди, десак нотўғри бўлади. Музейнинг янги мазмун ва қиёфаси билан танишиш асносида Президентимиз томонидан билдирилган бир қатор фикрлар янги Ўзбекистон босқичи миллий-сиёсий тафаккури табиатини яна бир намойиш этгани баробарида ижтимоий онг, айниқса, унинг тарих, фалсафа, адабиёт, санъат сингари муҳим

вақтгача тарихнинг ўзимизга ёққан жойларини олиб, ёқмаган томонини яшириб ўтдик. Бировга ёқадими-ёқмайдими, гуруримизми-армонимизми, муваффақиятми ё хиёнатми — ҳаммасини ҳаққоний ёзиш керак”, дея дангалани айтган Президентимиз “Янги Ўзбекистон” боғидаги Мустақиллик монументи очилишида масала моҳиятини янада кенг ва чуқур очиб берди: “Эл-юртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида қанча-қанча унутилмас воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожиали кунларни ҳам бошидан кечирган. Лекин бир ҳақиқатни таъкидлаш керакки, Ватанимиз ҳудудида мавжуд бўлган ҳар бир давлатчилик тузуми, ҳар қандай ижтимоий жараён — у га-лаба ёки мағлубият бўладими, юксалиш ёки таназзул бўладими — барча-барчаси халқимиз босиб ўтган мураккаб тарихий йўлнинг узвий ва ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам **биз тарихимизнинг барча босқичларини яхлит ҳолда қабул қилиб, ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз зарур. Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалардан қуч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади**”.

Назарий ва амалий жиҳатлардан қиммати тенгсиз мазкур сўзларнинг энди-энди (!) оёққа туриб келаётган тарихчилик миллий мактабимиз учун қанчалар аҳамиятли эканини тушунган тушунди, тушунмаган эса, йўқ.

Президентимизнинг “Биз бугун Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамини кенг нишонлаялмиз. Лекин аслида Ўзбекистон ҳудудидаги миллий давлатчилик тарихи 3 минг йилдан зиёд даврни ташкил этади”, деган таъкид ҳам беҳиз эмас. Негаки, айримлар ҳали ҳам хомтаъма бўлаётганларидек, давлатчилик биз ўзбеклар учун кимлардир томонидан берилган совға эмас, балки минглаб йиллар ичра мерос бўлиб келаётган миллий ва маънавий бойлигимиздир. Кимки бунга шубҳа қилса, Мустақиллик монументи лавҳаларига боқсин!

104 гектарли кенгликда ястанган “Янги Ўзбекистон” боғида салобат тўкиб турган амфитеатрда бўлиб ўтган тантанадан қош қорайган паллада ичимиз қувонч, гурур ва шу қунарларга етказгани учун шукроналикка тўлиб қайтаётганимизда ҳам, бугун ҳам бир ажиб ҳис ҳузур бағишлаётганини яшириб ўтирмаймиз. “Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументи гоёсини бериб, уларнинг шу даражага етказиши ишига бош-қош бўлган Президентимиз ушбу ёдгорликдаги лавҳалар мазмунини тушунтириб берганини кўпчилик кўрди. Яқунда бахтиёрлик, гурур ва меҳр билан мана бу айтганларини эшитиш эса ўша ерда бўлганлар қатори бизга ҳам насиб қилди: **“Битта миллат, битта давлат!”**.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТАДБИРКОРЛИК

ГУЛДЕК НОЗИК, ТОҒДЕК БАРДОШЛИ

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Бугун республиканинг ҳар бурчагида рўзор юмушлари, фарзанд тарбиясидан ортиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, ўз бизнесини йўлга қўйиб, одамларни иш билан таъминлаётган минглаб тадбиркор хотин-қизларни учратиш мумкин. Уларнинг аксарияти ишни энг бошидан, минг машаққатлар билан бошлаб, барча қийинчиликларга қарамай, оёқда дадил туриб олган аёллардир. Ана шундай фаол хотин-қизларнинг бир гуруҳи Ватанимиз мустақил-

лигининг 30 йиллик шодиёналари арафасида ўтказилган “Ишбилармон аёл — 2021” кўрик-танлови ғолиблари сарфидан жой олди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамкорлигида 2016 йилдан буён ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг бу йилги туман, шаҳар ва вилоят босқичларида 2 минг нафардан зиёд тадбиркор, ишбилармон ва фермер аёл ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан иштирок этди. Вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритган 14 нафар қатнашчи республика босқичига етиб келди.

“ОРТИМДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БОР”

Наманганлик Моҳидил Исоқова бир неча йўналишда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. 29 ёшли аёл раҳбарлик қилаётган “Маҳбубахон она” кўп тармоқли фермер хўжалиги, “Asmus Gold” ва “Asmus Tinho” ишлаб чиқариш кооперативлари, “Мусоҳон Асалой келажги” МЧЖда жами 200 га яқин хотин-қиз иш билан таъминланган. Бу аёлларнинг аксарияти ҳам таъминланган, “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари” рўйхатида киритилган эди. Моҳидил уларга иш бериб, рўзгорини тебратишида қўмаклашиб келяпти.

Қаҳрамонимиз қийналган аёлларнинг дардини яхши тушунади. Ўзи ҳам ёлғиз аёл бошига тинимсиз ҳаракати, меҳнати билан қисқа вақтда шу даражага етди. “Ишбилармон аёл — 2021” кўрик-танловида 1-ўрин соҳибасига айланган Моҳидил илк иш бошлаган вақтларини ёдга олди.

— Отам узоқ йиллар фермер хўжалиги раҳбари бўлган, — дейди у. — Ёлғиз фарзанд бўлсам-да, ҳеч қачон ортиқча пул сарфламасдим. Отам ҳамisha ҳисоб-китоб билан пул бериб, шу таразда қабул қилиб оларди. Назаримда, мени осон пул топишга ўрганишимни истамасди. Шу боис, пулнинг ҳам, меҳнатнинг ҳам қадрига етиб улғайдим. 2016 йилда турмушим билан боғлиқ оғир дамлар сабаб руҳий тушкунликка тушиб қолганимда, иш билан чалғиш мақсадида чок машина олиб, болалар кийимларини тика бошладим. Авваллари тикувчилик билан сира шуғулланмаганим боис, барини энг бошидан бошладим. Ўзим тиккан кийимларни бозорга олиб чиқиб сотдим. Харидорларга маъқул келиб, буюртмалар кўпайди. Бу орада отам фермер хўжалигидаги барча ишларни менга топширди.

Моҳидил 2018 йилда тадбиркорлик фаолиятига чуқурроқ киришди.

“Хар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 7 фоизли кредит олиб, хонадонидagi 2 та чок машинани 10 тага етказди. Буюртмалари кўпайгач, туман ҳокимлиги томонидан унга ўзи истикомат қиладиган маҳалла фуқаролар йиғини биносидан фойдаланиш учун ижарага хона берилди. Қаҳрамонимиз банкдан 225 миллион сўм кредит олиб, тикувчилик учун зарур барча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб, 50 та янги иш ўрни яратди.

Шу таразда Моҳидилнинг ишлари олдинга силжиб борди. Президентимизнинг жорий йил февраль ойида Наманганга ташрифи чоғида: “Хар бир қишлоқнинг чеккасидаги “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”га киритилган ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги, уларга “маҳаллабай” тизим асосида ёрдам беришимиз керак”, деган сўзларини тинглаб, кичик тадбиркор сифатида масъулият ҳис этди ва уларни иш билан таъминлашга аҳд қилди.

Тадбиркорга кам таъминланган 100 нафар аёл учун субсидия ажратилди. Моҳидил уларни ишга олиб, тикувчилик цехини кенгайтирди.

Корхонада асосан, трикотаж маҳсулотлари, махсус кийимлар тикилади. Тайёр маҳсулотлар ички бозордан ташқари Россия ва Қирғизистонга экспорт қилинапти. Цехда кам таъминланган аёлларга тикувчилик, пазандалик ва аёллар сартораси йўналишларида касб ўргатишга мўлжалланган ўқув маркази ҳам ташкил этилган.

Моҳидил ёш бўлишига қарамай, 11 гектар майдонга эга кўп тармоқли фермер хўжалигини ҳам ўзи бошқариб келяпти. Аёл ҳар қанча банд, доим меҳнат ичида бўлмасин, ишидан завқ олади, мухтожларга қўмак беришга интилади. Хўжалигидаги мевазорлар орасидаги бўш ерларни ҳар йили кам таъминланган оилаларга мош, ловия каби дуккакли



маҳсулотлар экиб, даромад олишлари учун ажратиб беради.

— Мен ота-онамининг дуоси, қолаверса, тинимсиз меҳнатим ва сабр-тоқатим билан шу қунларга етиб келдим, — дейди ёш тадбиркор. — Меҳнатсиз ҳеч нарсасга эришиб бўлмайди. Баъзан ютуқларимни кўриб, атрофдагилар “бунинг орқасида одами бор-да”, деган фикрларни айтади. Мен уларга жавобан “ха, ортимда Президентимиз бор”, дейман. Ҳақиқатан, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорларга билдирадиган ишончи, яратилаётган шaroитлар менга катта куч, мотивация беради.

Моҳидил Исоқованинг келгуси режалари бисёр. Айни пайтда Наманган муҳандислик-технология институти иқтисодиёт йўналишининг 2-босқичида таҳсил олаётган қаҳрамонимиз келгусида 100 ўринли боғча ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида бошланғич синфлар учун чет тили, IT соҳаларга ихтисослашган 200 ўринли мактаб очишни, уларда кам таъминланган, ногиронлиги бор оилаларнинг фарзандлари учун имтиёзли ўринлар ажратишни мақсад қилган.

ТИНИБ-ТИНЧИМАС АЁЛ ОРЗУЛАРИ

Бухородан Навоийга келин бўлиб тушган Шахноза Саматовани қишлоқдошларининг кўпи тиниб-тинчимас аёл, деб таърифлайди. Қаҳрамонимиз “Vang’ozi Nuro Textile” ишлаб чиқариш корхонасига раҳбарлик қилиб келмоқда. “Ишбилармон аёл — 2021” кўрик-танловида 2-ўрин соҳибасига айланди.

Зиёли, ўзига тўқ хонадонга келин бўлиб тушган Шахноза асли тиббиёт соҳасида таҳсил олган. Тадбиркорликка қизиқиши эса тасодифан пайдо бўлган.

— Навоий вилоятининг мен келин бўлиб тушган жойида қандолатчилик дўкони йўқлигини кўрганимдан сўнг, шу ерда қандолатчилик цехини очишга қарор қилдим, — дейди у. — Ишларни бошлаб олган, аста-секин кенгайтирдик. Ҳозир цехда 8 нафар хотин-қиз ишлайди. Тўй-томашаларда дастурхонга тортилган барча турдаги пиширикларни тайёрлашни йўлга қўйганмиз.

Болалигидан тикувчи онасининг ишларини ўрганиб, ўзи ҳам бичиш-тикиш билан шуғулланган Шахноза бу ҳунари ҳам давом эттиришни истади. Туман ҳокимлиги тадбиркорга Президент қарори билан ҳудудларда барпо этилаётган енгил конструкцияли иншоотлардан бирини

лизинг асосида 5 йил муддатга олишни таклиф қилиб, унга ишонч билдирди. “Навоий барака чеварлари” МЧЖ 100 иш ўринли тикув биносини тадбиркорга 60 та тикув машинаси билан бирга тайёр ҳолда топширди.

Шу тариқа Шахноза 2020 йил сентябрь ойидан тикув корхонасида ишларни бошлаб юборди. “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”га кирган 73 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Бугунги кунда қўлигул чеварлар барча турдаги трикотаж маҳсулотлари ҳамда 16 хил махсус эркаклар кийимларини тикиб, харидорларга етказиб бермоқда. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, асосан, Россияга экспорт қилинади.

— Тадбиркорлик аёллар учун осон соҳа эмас, қийинчиликлар бўлиб туради, — дейди Шахноза. — Корхонани ишга туширган илк вақтларимда аёлларни экспорт талабига жавоб берадиган даражада тикиш, замонавий машиналарда ишлашга қўлини ўргаттувча қийналган. Шунинг учун бошида кўп маҳсулотларимиз яроқсизга чиққан. Бироқ ҳозир тикувчиларимнинг қўллари анча келишиб қолган. Биз, асосан, эркаклар кийимларини тикамиз. Бу борада тажрибам



бўлмагани боис, устозим — “Primier textile”, “Sardoba textile” корхоналари раҳбари Мурод Пирмуҳаммедовдан кўп нарсалар ўргандим. Кийимларнинг дизайни, намуналарини ҳам у кишидан оламиз. Ундан чексиз миннатдорман.

Қаҳрамонимизнинг ўзи ҳам қандолатчилик ва тикувчилик соҳасида элликдан ортиқ шогирд чиқарган. Турмуш ўртоғи билан 3 фарзандни тарбиялаётган аёл оилада моддий қийинчилиги бўлмасда, меҳнат қилишни, одамларни иш билан таъминлашни истади. Оиласи ҳам уни доим қўллаб-қувватлайди.

Табиатан қизиқувчан Шахноза тадбиркорлигининг турли йўналишларида ўзини сынаб кўришдан чўчимаيدди. Ҳозир ҳовлисида 30 та товуғи бор. Кўрик-танловда танишган фермер аёлларга ҳавас қилиб, ўзи ҳам кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил этиш ниятида.

МЕҲНАТ ВА ҲАРАКАТ МЕВАСИ

Қашқадарёлик Наргис Эшдавлатова эса кўрик-танловнинг “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор” номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. У билан гаплашиб, ўшуб номинациянинг айни эгаси эканига амин бўлдим. Тадбиркорнинг ғайрати, шижоати, фаоллиги гап-сўзданок билиниб туради. У эгаллаган ҳунарларни-ку, айтмасам ҳам бўлади.

Фаолиятини аёллар сартароши, замонавий тил билан айтганда, стилистикдан бошлаган Наргис бу соҳада 11 йиллик иш тажрибасига эга. Аввалига ижара бинода ишлаган аёл кейинроқ ўзи гўзаллик салоҳи очди. Аста-секин йўналишларини кенгайтириб, тадбиркорликка айлантира бошлади. Ҳозир тикув цехига ҳам раҳбарлик қилмоқда. У бугунги муваффақиятларига қийинчиликлар ва меҳнати билангина эришди.

— Турмуш ўртоғим ҳам тадбиркор. 7 йил муқаддам банкротликка учраб, ниҳоятда қийин аҳволда қолдик, — дейди у. — Қишлоқ жой, гап-сўз тез тарқайди. Эпидемиа, деган маломатларга қолдик. Яқинлардан ҳам ёрдам сўрамадик. Зўрға кун кўрсак-да, фақат ўз кучимиз билан олдинга интилдик. Ушанда қаттиқ ишлашни, катта ютуқларга эришишни мақсад қилганман. Шўкр, ҳаммаси аста-секин бўляпти.

Шу йил апрель ойида қаҳрамонимиз саломи ёнидаги кичкина хонада 1 та тикув, 1 та чок тушириш машинаси билан тикувчилик ишга бошлаб юборди. 4 нафар қизни ишга олиб, келин қўйлақлари, чойшаблар, кўрпа-тўшак тика бошлади. Ҳар кўни иш қизин, буюртмаларнинг эса охири кўринмайди. Шундай қунларнинг бирида туман ҳокими кичкина хонада бажарилаётган ишларни кўриб, аёлга банкдан кредит олиб, тадбиркорликни кенгайтиришни таклиф қилди.

Ўзига ишонган, таваккал қилишдан чўчимайдиган Наргис банкдан 130 миллион сўм имтиёзли кредит олди. “Zolushka brand” МЧЖ



ташкил этиб, шу номда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади. Хитойдан келтирилган кўрпа чиқарадиган 2 та замонавий дастоҳ билан ишлар янада тезлашди. Ҳозир корхонада меҳнат қилаётган 35 нафар хотин-қиз бир кунда 100 та кўрпани ҳазилдорларга етказди.

— Туманимизни кўрпа билан таъминлаяпмиз, бошқа туманлардан ҳам буюртмалар бор, — дейди фаол тадбиркор. — Ишни самарали ташкил этиш мақсадида Андижон тажрибасини ҳам қўллаяпмиз — 150 та хонадонга бичилган кўрпаларни тикиш учун тарқатаман. Улар ҳам бунинг ортидан даромадга эга бўлади.

Корхонада ишлаб чиқариладиган барча тўқимачилик маҳсулотлари дизайнини унинг ўзи ўйлаб топади. Ҳолларидан қўнгли тўлмағунча, кўзи уйқуга кетмайди. Ҳозир кузги иссиқ кўрткалар лойиҳаси устида бош қотиряпти. Ҳам сифатли, ҳам ҳамёнбоп кўрткалар ишлаб чиқариб, энг аввал, тумандаги барча мактаблардаги қийналган, кам таъминланган 10 нафардан болага тарқатишни ният қилган.

Ҳам оила, ҳам ишни бир вақтда уддалаш чинакам матонат. Баъзан Наргиснинг қизи “Ойи, бизга қачон вақт ажратасиз?” деганида юраги ўртаниб кетади. Аммо у ҳам юзлаб ўзбек тадбиркор аёллари сингари бугунги имконият, шaroитлардан фойдаланмай ўтира олмайди. Севимли иши билан шуғулланиши баробарида рўзгорига қўмаклашишни, кам таъминланган оилалар аъзолари учун иш ўринлари яратишни, мамлакат иқтисоди ривожига ҳисса қўишни истади. Шуларни ўйлаб, қизалоғини: “Бу ишларнинг барини бизнинг ва бошқа ўнлаб аёлларнинг ёруғ келажаги учун қилапман. Сизларнинг келажагиниз учун бугун биз меҳнат қилишимиз керак. Шу ишларни йўлга қўйиб олай, кейин кўпроқ вақтимни сизларга ажратаман”, дея қувонтиради.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ” — АМАЛДА

“КАТТА ОРЗУЛАР ҚИЛИШДАН ҚЎРҚМАЯПМАН”
ЧУНКИ БУ ЮРТДА ҲАР ҚАНДАЙ ОРЗУ ЁЗ ИЖОБАТИНИ ТОПАДИКумуш АБДУСАЛОМОВА,
журналист

Биз илгари ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга имконият яратиш ҳақида гапирганда, албатта, сафнинг олдида турган, қатор-қатор медалларни, ютуқларни қўлга киритган ёшлар ҳақида гапирар эдик. Майдонга фақат уларни олиб чиқардик, кўрсатувлар қаҳрамони ҳам улар эди. Аммо сўнгги йилларда ёшларга чинакам шароит яратиш асида қандай бўлишини ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз.

Жамиятда ўз ўрнини тополмаган, аниқ мақсади, йўл-йўриқ кўрсатадиган одами бўлмаган ёшларнинг муаммолари кун сайин улангиллашиб боравериши ҳаётий ҳақиқат. Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида ёшлар муаммоларини ҳал қилиш ҳар бир раҳбарнинг асосий вазифаси эканини алоҳида таъкидлайди. Шунга асосан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамгармаси ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш мақсадида алоҳида тизимли лойиҳани йўлга қўйди. Унга мувофиқ, жамгарма маблағлари ҳисобидан янги иш ўринлари яратишга шай тадбиркорларга турли минусуналар, инвентарлар қўлай шартлар асосида ижарага берилди.

Жамоат ишлари жамгармаси томонидан тадбиркорларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, асосан, тикув машинаси, дазмол, пайвандлаш аппарати, мотокультиваторлар ижарага берилмоқда. Натижада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида шу йилнинг ўтган етти ойи давомида “Ёшлар дафтари”га киритилган, иш жойига эга бўлмаган 44 минг 785 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Жумладан, бу борада Фориш туманида ҳам муайян ишлар бажарилапти.

— Иш сўраб келган аёлларга нима деб жавоб бераман, деган савол қийнади. Худудимизда деҳқончилик билан шуғулланиш бироқ қийин. Сув билан боғлиқ муаммо бор. Маҳаллабай юриб ўрганган мизмизда, аҳолини қийнайдиغان энг муҳим масала ҳам ишсизлик экани маълум бўлди. Кўпи аёллар, қизлар. Шундай пайт-

ларда уларнинг бандлигини таъминлаш учун нима қилсам бўлади, деб ўзимга ўзим савол берардим, — дейди Фориш тумани ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Гавҳар Алиева. — Мана, энди юзимиш ёруғ. Туманимизда 48 мингдан ортиқ хотин-қиз истикомат қилади. Касбга ўқиган аёллар, қизларга “мана сизга иш жойи, марҳамат ишланг”, дейишимиз мумкин. Бугун туман аҳолисининг эътибори “Технотроник текстиль” корхонасига қаратилган. Тумандаги 300 дан ортиқ хотин-қиз шу ерда ишляпти.

— Туманимизнинг аввалиги ҳокими билан Форишда янги иш ўринлари очиб бўйича маслаҳатлашдик. У “Биз раҳбарлар кетадиган одамимиз, сиз эса шу ернинг фарзандисиз. Ота-боболарингиз шу ерда ётибди, иш ўрни очинг. Сизга қандай ёрдам керак бўлса берамиз”, деди. Шу далда сабаб бўлиб анчадан бери қўнглимга туғиб юрган ниятимни амалга оширишга қарор қилдим. Мана, шўрки, орадан бир йил ўтиб, корхонамиз биз истаган кўринишга келди. Туркиядан мутахассис чиқардик. Барча тажрибасини ўргатапти, — дейди “Технотроник текстиль” корхонаси раҳбари Ғофур Ражабов. — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамгармаси томонидан 200 та тикув машинаси қўлай ижара шартлари асосида берилди. Энди тежалган пулга газламга сотиб оламиз. Хорижга маҳсулот экспорт қилишни бошладик. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганимга анча йиллар бўлди. Бу соҳада ўзига ҳок тажри-

бам бор. Аммо тадбиркорлар учун бу даражада эътибор, бундай ғамхўрлик бўлишини тасаввур ҳам қилмаганман. Хар бир тадбиркор бу имтиёزلардан унумли фойдаланиб, кўркмасдан ўз ишини юритса бўлади. Хар гал янги ишчини ишга олганимда бу дунёда умрим бекор ўтмаётганидан хотижам бўламан. Одамлар ўз иш жойига, доимий даромад манбаига эга бўлганда, уларнинг уйнаб-қулиб юрган фарзандлари кўз олдимга келади. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилганда эса, ўзимда гурур туяман.

Тадбиркорлик субъектларида ёшлар ва аёллар учун янги иш ўрни ва доимий даромад манбаи қўлаймоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳақида уларнинг ўзидан эшитамиз.

Сурайё Жуманазарова,
21 ёш (Урганч туманидан):

— Мактабда аъло баҳоларга ўқидим. Аммо оилавий шароитимиз кўтармагани боис, олий маълумот ололмадим. Ҳаётда яхши яшашнинг ягона чораси олий маълумотли бўлиш эмас экан. Бунини қийнларда юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибордан англадим. Касб-ху-

нар эгаллашни жуда истардим. Маҳалла фуқаролар йиғинидан мутасаддилар келиб, “Ёшлар дафтари”га рўйхатга олишди. Улардан касб-хунар эгаллашим мумкинлигини эшитиб жуда сеvindим. Ҳозир қўлимда сертификат бор, сўнгги русумдаги тикув машинасида либослар тиклапман. Тиккан буюмларимизни чиройли, мукамал ҳолатда кўрсата оляпмиз. Ишимизга харидор бор, рўзгоримизга барака кириб, оиламга нафим тегапти. Кимгадир қўлгилги топиши мумкин, аммо бу мен учун бахт.

Рўза Келдибекова,
23 ёш (Фориш тумани):

— Биз ишляётган тўқимачилик корхонаси ўрни бийдай адир эди. Эсимда, болалигимизда шу ерларда қўй боқиб юрардик. Бир пайтлар келиб, бу жойда замонавий корхона қурилади, унда ишлайсан, деса, рости, ишонмасдим. Ҳозир биз тикаётган кийимларни узоқ юртларда қилардик қий-йил юришимиз тасаввур қилиш мен учун жуда ҳайратли. Бозорда турли хорижий сўзлар ёзилган футболкаларни кўрганнимда, шу кийимларни ким тиккан экан, дизайнини ким ўйлаб топган экан, деб қи-

зикардим. Энди ўзим шундай ишларнинг тепасида турибман. Эрталаб ишга келаётганимда хар бир босган қадамим учун шўқрлар айтаман. Ишдан уйга қайтаётганимда ҳам ўзимдан қўнглим тўлиб, оилам, болаларим бағрига қайтаман. Бир аёл учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Юлдузхон Эшмуродова,
27 ёш (Хива шаҳри):

— “Ёшлар дафтари”га киритилган эдим. Ишсиз, бекорчи юрган тенгдошларим бор эди. Қизлар асосан, қўнгли ишларга, далага — иғим-теримга чиқиб юрарди. Йигитлар эса иложини топса, чет элга бориб ишлаб келишни маъқул қўларди. Шу дафтарга рўйхатга олиш бошлангандан кейин ҳаммасининг фикри ўзгарди. Қизлар ўзи истаган касб-хунарни эгаллай бошлади. Йигитлар чет элга кетмай, ер олиб деҳқончилик қилапти ё тадбиркорлик билан шуғулланыпти. Мен ўзим қизиққан тикувчиликни ўрганиб, ишга кирдим. Оруларим ушайишига, доимий даромадга, ҳаётда ўз ўрнимга эга бўлишимга сабабчи бўлган давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтаман.

Рушана Ашурова,
25 ёш (Фориш тумани):

— Телевизорда “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” дейилса, аввалига тушунамади. Кейин маҳалла фуқаролар йиғинидан келиб мени ҳам “Ёшлар дафтари”га киритиб қўйишди. Шунчаки рўйхатга оляпти, деб ўйладим, бошда ҳеч нарсани тушунагани йўқ. Аммо бу дафтарга киришнинг фойдасини, натижасини кейин англадим.

Мен каби тенгдошларим, дугоналарим номидан бемалол айта оламан: “Ёшлар дафтари” биз учун чинакам бахт дафтари, мақсад дафтари, орулар учуладиган дафтар бўлди. Қўлимдан иш келаётганидан, тикишни ўрганиб, шундай тикув корхонасида ишляётганимдан мамнунман. Тикувчиликнинг барча сир-асрорларини пухта ўрганганман. Мутасаддиларни маҳаллабай, хонадонбай юриб, дарду ташвишларимизни эшитишга ундагани, бизга нима керак бўлса, мухайё қилаётгани учун Президентимиздан беҳад миннатдорман. Энди ҳаётга бошқача кўз билан қараяпман. Катта орзулар қилишдан қўрқмаяпман. Чунки бу юртда хар қандай орзу ўз ижобатини топади.

ТАКЛИФ

Жорий йил 5 сентябрда буюк олим ва мураббий, бағри кенг инсон, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Ўзбекистонда кибернетика, яъни рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши, унинг ривожланиши ва бу соҳада миллий кадрларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган, бутун ҳаётини, илмий салоҳиятини эзгулик йўлига сарфлаган, республикада хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби, академик Восил Қобулов таваллудига 100 йил тўлди.

ЗАМОНАМИЗ ХОРАЗМИЙСИ

Пойтахтимизда “Олимлар боғи” ташкил этилса...



Шайх Абдулазиз МАНСУР, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази директори ўринбосари

Академик В.Қобулов яратган алгоритмлаш ва рақамли технологиялар бўйича изланишлари натижаси дунё миқёсида машҳур ва эътироф топган. Унинг алгоритмлаш соҳасида ёзилган илмий асарлари ҳозирги кунда мамлакатимизнинг олий ўқув юртиларида, коллеж, академик лицей ва умумтаълим мактабларида бирдай ўқитилиб келинади.

Академик ташаббуси билан юртимизнинг қатор олий таълим муассасаларида рақамли технология ва сунъий тафаккурга оид кафедралар, факультетлар ташкил этилган ва улар ҳозирги кунда ҳам фаолият юритиб келади.

Олим диний ва дунёвий илмларни бир-бири билан узвий боғлашга ҳамда мутафаккирларимиз асарларидаги одоб-ахлоқ ва илмни улар талқин қилганидек уйғунлаштириб боришга ҳаракат қилар эди. У нафақат табиий билимлар, шунингдек, юртимиз тарихига оид адабиётлари ҳам чуқур ўрганди. Ҳабибий, Чустий, Мирзакалон Исмоилий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби адиблар билан ҳамсухбат бўлди. Тарихий обидаларни асраш ва уларни таъмирлаш бўйича ҳам жуда кўп амалий ишларни ҳаётга таъбиқ қилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти марҳум академик Т.Рашидов олим ҳақида қўйидаги хотираларни ёзган: “Биз Восил Қобулов билан Хоразмда Ал-Хоразмийга бағишланган халқаро илмий анжумани бирга ўтказдик (унга ЎзФА вице-президенти академик С.Сирожиддинов раислик қилган эди). Шу анжуман ўтказилгандан сўнг, Ал-Хоразмийнинг математика фанига қўшган ҳиссаси яна бир бор тан олинди, Восил Қобулов эса замонамиз Ал-Хоразмийси деган таърифга сазовор бўлди”.

Кибернетика институтида узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган техника фанлари доктори, профессор, бир қатор халқаро академияларнинг аъзоси, меҳнат фахрийси Незматилла Мўминов шундай эслайди:

“Академик Қобулов ўша даврда республикамиз раҳбари бўлган Шароф Рашидовнинг қўллаб-қувватлаши ва бевосита кўмаги билан, йўқ жойдан марказ, институт ва шўролар мамлакатда биринчи бўлиб “Кибернетика” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этган. У нафақат Ўзбекистон, балки, Россия ва Марказий Осиё республикалари — бугунги кунги мустақил давлатларнинг ҳам илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ва илмий салоҳиятини кўтаришга муносиб ҳисса қўшган”.

Қўрьони каримда “Ҳар бир олимдан кўра, олимроқ киши топилаверади”, дейилган. Худди, шунингдек, Қобулов ҳам фаннинг турли соҳаларида эришилган муваффақиятлари билан чегараланиб қолмасдан кибернетика фанининг ёрдами билан ҳар бир фанни чексиз тарзда ривожлантиришимиз керак, дер эди.

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси ва таклифи билан ташкил этилган “Ўзбекистон тарихи” телеканали тарихий маълумотларни рўй-рост айтилишига жуда катта ишмон бераяпти. Хусусан, Ўрта Осиёдаги биринчи

университет Мунавварқори Абдурашидов томонидан ташкил этилганлиги маълум бўляпти. Саводсизлик деганда билишни билмаслик мезон қилиб олинган экан.

Маълумотларга кўра, 1920 йилда ташкил этилган Туркистон университети биринчи йил талабаларни қабул қилганда фақат бир нафар қирғиз миллатига оид Ўрта осийлик талаба қабул қилинган. Ўзбек халқининг ўғлонлари академик Халил Аҳмедович Раҳматуллаев (нимагадир ҳужжатларда Раҳматуллин бўлиб кетган) парашют назариясини яратгани, ракета-космик техникасини такомиллаштиришда фаол қатнашиб, дунёда биринчи космонавт Ю. Гагаринни парвозга учирган академик Королев билан бевосита ишлагани, Кремлда ўзбек дўпписини кийиб собиқ Марказком котиби Н.С.Хрущёвни хайратга солгани фахрланишга арзийдиган воқеалар ва тарих саҳифаларига зарҳал харфлар билан битиб қўйиладиган мисоллардир.

Академик Ҳалим Ҳайдарович Усмонхўжаев эса, пахта териш машинаси назариясига низоҳатда катта ҳисса қўшгани, ўз-ўзини тозалувчи шпиндель-автоматни яратгани, “машина ва механизмлар” назарияси ўзбек мактабининг асосчиси ва раҳбари томонидан кашф этилгани таҳсинга сазовор бўлган жонли воқеалар саналади.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан дунёнинг йирик ва нуфузли олий ўқув юртиларининг филиаллари мамлакатимизда ташкил этилмоқда. Ёшларимиз жаҳон миқёсида нуфузли ўша олий таълим масканларига бориб таҳсил оляпти ёки республикамиз ҳудудида фаолият олиб бораётган бўлимларда ўқиб, дунёвий илмларни эгаллашларига улкан шароитлар яратиб берилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтда муҳташам Адиблар хиёбони ташкил этилди. Бу дунё мамлакатлари нигоҳида ҳам ўзига ҳос эътироф этиб келинмоқда. Ана шундай эзгу ишлардан руҳланиб, нафақат Ўзбекистонда, шунингдек, жаҳон миқёсида илм-фаннинг ривожига катта ҳисса қўшган улуг мутафаккирларимиз ва олимларимиз хиёбонини ҳам Тошкентда ташкил этсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон Фанлар академиясининг “Олимлар боғи” сифатида мамлакатимизда илм-фанга, фан заҳматкашларига кўрсатилаётган катта эътибор ва рағбат сифатида эътироф топарди.

Давлатимиз раҳбари ғояси асосида ташкил этилган “Шон-шўхрат” музейида уруш ва меҳнат фронти қатнашчиси бўлган олимларнинг илмий-амалий изланишлари натижасида Иккинчи жаҳон урушида ғалабага қўшган ҳиссаларини ёритиб берадиган бўлимнинг ташкил этилиши ҳам улкан воқеалик бўларди.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейида эса олимлар бўлимини очиш, дарсликларга ўзбек олимларининг илмий меросини киритиш эъш авлоднинг илм-фанга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугун биз Ҳабиб Абдуллаев, Муҳаммаджон Ўразбоев, Восил Қобулов, Ҳалим Усмонхўжаев каби улуг олимларимиз орзу қилган фаровон, илм-фанга эътибор янада кучайган даврда яшаймиз.

Мухтасар қилиб айтганда, академик Восил Қобуловнинг ҳаёти, илм-фанга, хусусан, кибернетика соҳаси ривожига қўшган беқиёс хизматлари ҳақида биргина мақола кўламинида тўлиқ ёзиш мушкул албатта. Буюк олимнинг номи абадийлаштириш, илмий меросини кенг тартиб қилиш жуда ўринли ва бўлажақ Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги иштишларимизга мос бўлур эди. Бу, айна пайтда муҳтарам Президентимизнинг илм-фани, олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифалардандир, дея таъкидларига ҳамохандир.

Шу маънода узоқ йиллар давомида нафақат республикамиз, балки ҳамдўстлик мамлакатларининг йирик илмий марказларига ўз илмий изланишлари билан, қолаверса, шу соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлашда намуна бўлиб келган Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида “Кибернетика” институти қайта ташкил этилиб, маъзур муассаса академик Қобулов номи билан аталса, гўзал пойтахтимиздаги маҳалла, кўчалардан бирига унинг номи берилса буюк олимга катта ҳурмат ва эҳтиром ифодаси бўларди.

Жамият

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

ШИДДАТЛИ БЕШ ЙИЛ ЮРТИМИЗ ЭРКИН, ФАРОВОН ВА БАХТЛИ ИНСОНЛАР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА



Нуриддин МУРОДОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди судьяси

ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ ВА СУД-ҲУҚУҚИ

Жамият — кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи. Жамиятдаги ҳамма нарсас, яъни, моддий ва маънавий бойликлар, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитлар ва бошқа жиҳатлар муайян фаолият жараёнида амалга ошади.

Давлат эса, сиёсий тизимнинг асосий субъекти сифатида, жамият учун ҳаётий муҳим бўлган вазифаларни бажаради ва унинг бир бутунлигини таъминлайди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатлайди. Жамиятда мустаҳкам ва инсонпарвар бўлган ҳуқуқ-тартиботни ўрнатишга, уни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Бунинг учун давлатда суд-ҳуқуқ соҳаси ривожини, унинг тарраққиёти, инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни ниҳоятда муҳим.

Ҳуқуққа келадиган бўлсақ, аҳоли ўртасида ижтимоий муносабатларни тартибга солади, улар учун умуммажбурий ҳулқ-атвор қоидаларини белгилайди. Бир сўз билан айтганда, давлат бор жойда ҳуқуқ бўлади, давлатга ҳокимиятни “ҳуқуқ” беради. Ўз навбатида, ҳуқуқни давлат ҳокимияти таъминлайди, давлат ҳокимиятларидан бири эса, айнан суд ҳокимиятидир.

Кейинги 5 йилда суд-ҳуқуқ соҳасида инсон манфаатларига қаратилган шиддатли ислохотлар олиб борилдики, бу унинг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Бу мавзуда тўлароқ фикр юритиш учун, энг аввало, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни мухтасар ёдга олиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини аниқлаш мақсада мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 октябрдаги тақдирномасига мувофиқ, орадан икки йил ўтиб Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг аҳамияти шундаки, ана шу санадан бошлаб илк бор “тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибига тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озолиқдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар” ҳам амнистияга тушадиган бўлди. Айни шу тақдирнома ва қарор кейинчалик қора рўйхат балосига чек қўйди. Айтиш лозимики, Асосий қонунимизнинг 31-моддаси ва “Виждон эркинлиги ва диний таъкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунчида белгиланган ҳуқуқлар ҳаётга тўла татбиқ этила бошланди.

БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида Президентимиз томонидан “Маърифат ва диний баргикентлик” резолюцияси ҳамда “Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция”ни қабул қилиш ташаббуслари илгари сурилиб, уларни рўёбга чиқаришга эришилган халқаро майдонда ҳам юртимизда инсон ҳуқуқлари устуворлигини яққол намоён этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони кўра:

озолиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашнинг кенгайтириш орқали қамоқ тартиқсидаги жиний жазо тугатилди;

жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати **72 соатдан 48 соатга қисқартирилди;**

қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддати **1 йилдан 7 ойга қисқартирилди;**

Халқимиз ўз олдига озод ва эркин ҳаёт, адолатли жамият барпо этишдек улкан мақсад қўйган. Шу боис, мамлакатимиз мустақилликнинг 30 йили давомида оғир, машаққатли ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида эътироф этганидек, “Ўзбекистонда замонавий давлатчилик асослари яратилиб, конституциявий тузумга асос солинди. Давлат ҳокимиятининг урта мустақил тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари қарор топди. Том маънодаги конституциявий давлат барпо этилди.”

почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди;

судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди;

терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокама-си жараёнида тўлдирish механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти ислоҳ этилди;

фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибиде қайта қўриб чиқиш муддати **3 йилдан 1 йилга қисқартирилди;**

вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибиде қўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибиде протест келтириш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларини назорат тартибиде қўриб чиқиш бўйича ваколатлари бекор қилинди;

адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ҳамда ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилди.

2017 йил февралда соҳадаги ислохотлар давом эттирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тасвия этиш бўйича олий малака комиссияси тугатилди, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принциплари ривож этилишини таъминлашга қўмклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судини бирлаштириш, фуқаролик, жиний, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритиш соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари ташкил этилди, ҳўжалик судлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари этиб ўзгаририлди.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муқожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида кўра, Виртул ва Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Муқожаатларни қўриб чиқиш тизими тамомилан янгиланди, бу тизим демократлашди, давлат органлари ва мансабдорлар халққа яқинлашди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида мутлақо янги институти — Президент ҳузурида Бизнес омбудсман иш бошлади.

Бопаларни мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолларига чек қўйилди. Судларда эса, маъмурий тартибда мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатларига йўл қўйган идоралар ва уларнинг мансабдор шахсларига тизимли жазо чоралари қўлланилмоқда.

Фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ паспорт тизими ислоҳ этилди. Хусусан, Конституцияда белгиланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга қўчиш ҳуқуқи тамойилларига ривож этилган ҳолда, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида рўйхатда туришга чеклов, қўчмас мулкни олишда ушбу ҳудудларда доимий пропискига эга бўлиш талаби бекор қилинди ва бу тизим босқичма-босқич барҳам топди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасига кириб чиқиш ҳуқуқи, виза тартиботлари соддалаштирилди. Бу соҳада ҳам конституциявий тамойил амалда таъминланмоқда.

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” эзгу тамойили асосида прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда ИИБ тизимлари тубдан ислоҳ этилди, Миллий гвардия ташкил этилди, ИИБ тизимида тергов департаменти фаолияти йўлга қўйилди.

Зулм ўчоғи деб таърифланган “Жаслик” колонияси ёпилди, қамоқхоналардаги қийноқлар батамом тугатилди. Қўйноқларга қарши давлатнинг ахлият тузилмаси ташкил этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили — Омбудсманга бевосита озолиқдан маҳрум этиш жиҳатларида урга-ниш каби кенг ваколатлар берилди.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни тақдим этиш, расмийлаштириш ва қўриб чиқиш, шунингдек, афв этиш маҳкумини жазодан тўлиқ ёки қисман озод этадиган ёки суд томонидан

тайинланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирадиган ёхуд судланганликни олиб ташлайдиган инсонпарварлик тамойиллари жорий этилиб, муайян маҳкумга нисбатан индивидиуал тартибда амалга ошириладиган тизим яратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, адвокатларнинг жамиятда мавқеини ошириш борасида муҳим қадамлар ташланди. Нотариат соҳаси ислоҳ этилди, хусусийлаштирилди, электронлашди, масофавий хизматлар йўлга қўйилди, аҳолининг нотариусларда навбат кутиши кескин қамайди. Нотариат бюрократ давлат идораси эмас, ҳақиқий хизмат кўрсатувчи субъектга айланиб бормоқда.

Албатта, ислохотлар натижаси ўлароқ, инсон ҳуқуқларига, давлат инсоннинг сўз, фикр юритиш, виждон эркинлиги каби энг бirlамчи ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг қафолатларини амалда рўёбга чиқариши мустаҳкам бел боғлади. Бу қафолатлар таъминланди.

Айрим гуруҳларнинг қора рўйхати тугатилди, хусусан, 20 000 га яқин киши ундан чиқарилди. Сиёсий маҳбуслар озод этилди. Диний баргикентлик ҳуқуқи таъминланди. 2016 йилдан буён Ўзбекистонда 4965 нафар шахс кечирилган. Улардан 1584 нафари диний маҳбуслар. Бундан ташқари, жазоси енгиллаштирилган маҳбуслар сони 1722 нафарга етган.

2017 йилда — 263 нафар, 2018 йилда — 867 нафар фуқаро, 2019 йилда — 859 нафар фуқаро, 2020 йилда — 781 нафар фуқаро оқланган. 3 минг 434 нафар шахс суд залидан озод қилиниб, 5 минг 958 нафар фуқарога нисбатан асосиёз қўйилган моддалар айболовлардан чиқарилган ёки ўзгартирилган. Ҳокимларнинг 2 минг 852 қарори ноқонуний, деб топилиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган эди.

Президентимиз энг азиз умуммиллий байрами — Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги арафасида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонини имзолади. Унга мувофиқ, содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **215 нафар шахс** афв этилди. Қайд этиш жоиз, бу шахслар афв этилиши баробарида оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмклаш бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар ҳам берилди.

Маъмурий судлар ташкил қилинган, **2017 йилда 218 та, 2020 йилга келиб эса 41 292 та маҳаллий ҳокимликларнинг қарорларини ҳақиқий эмас** деб топиш бўйича хусусий ажрим ва тақдимномалар чиқарилган.

Одамларнинг судларга бўлган ишончи ошди. Давлат ва халқ билан жонли мулоқотлар ва сайёр қабуллар, одамларда муаммоларини ҳал қилиши мумкинлигига катта умида ва ишонч уйғотди. Давлат идоралари қўйи тизимга тушиб, аҳоли эҳтиёжлари ва талаблари асосида ишлашни бошлади. 4 йил олдин валюта айирбошлаш, прописка, пенсия ва нафақаларни нақд пулда олиш масалалари бўйича ҳар ойда ўртача 100 мингтагача муқожаат тушган. Бу соҳаларда қўлайлиқ яратилиб, муаммоларнинг тизимли ҳал этилиши туфайли уларга оид муқожаатлар тўла барҳам топди.

Инсон ҳуқуқлари, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар жараёнига ақлли бошқарушни жадал ҳолати этиш, айнисқа, ҳар бир шахснинг муқожаатлари қўриб чиқилиши марказлашувни амалда чеклаш, оила-ноқар, тадбиркорлик, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқлари борасида амалга ошириладиган ҳуқуқий ислохотлар шиддатиде нафйлилик суръатини пасайтирмаслик талаб этилмоқда.

Ҳуқуқ ижодкорлигини сусайтирмаслик, портал, қабулхона ва суд-тергов органлари фаолиятининг ўзаро муносабатларида мувозанатни оширмай таъминлаш, мажбурий ижро бюросини ижро тизимига ўтказиш орқали ҳал этиладиган реал ҳолатлардан кўз юммаслик, жойлардаги судлар ва маҳаллий кенашларнинг бир-бирини тийиб туриш функциясини конституциявий тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, қайта қўриб чиқишга ва ҳуқуқий демократик давлат асосларидан қалғимай бартараф этишга эҳтиёж сезилмоқда.

Ҳадисда келтирилганидек, “Барча амаллар ниятга қараб бўлади”. Пок ниятлар билан бошланган хайрли ишлар, албатта, ижобат топади. Агар ҳар биримиз ислохотлар жараёнига ўз ҳиссамизни қўшсак жамиятга ҳам ижобий таъсир этади. Ана шу эзгу ниятлар, яхши амаллар юртимизни эркин ва фаровон кишилар, бахтли инсонлар мамлакатига айлантиради.



Ғолиблар қасидаси

Паралимпия ғолибларига.
“Токио – 2020”. 24.08 – 5.09.2021 й.

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Зевслару Геракллар қолиб кетмиш эрталарда,
Янги замон шиддатлари жўш урмоқда юракларда.

Ғолиб сўзи билан салкам қофиядош — Олимп бўлур,
Олимп тоғин сидқидилдан кўзлаганлар — Ғолиб бўлур.

Олислардан сен дуолар йўллаб турдинг, онажоним,
Ҳар бир ўғил-қизингни сен қўллаб турдинг, отажоним.

Бу дунё кураш майдони — тун ва кун, оқу қора ране,
Кеча-кундуз зулмат билан зиё аро кетар жане.

Сиз — яшил-оқ-кўк раналарга кўндирдингиз дунёни,
Ўзбекистон байроғига тўлдирдингиз дунёни.

Наврўз келгандайн олам бир ёшариб тўлғанди-ей,
Рўйи замин Ўзбекистон байроғига чулғанди-ей!

Ниагара шаршарида нурлош саҳифалар айтсин,
Дубайларда осмонўпар “Буржи Халифа”лар айтсин.

Сиз — Тўмарис момоларнинг нишонлари, сиз бўлғайсиз,
Янги давру замонларнинг кўрғонлари сиз бўлғайсиз.

Токиодан чиқса қуёш пешвоз олган Термизларим,
Эй, кўзлари юлдузларим, эй, юзлари қирмизларим!

Фудзияма тоғлари ҳам лол қолди, ҳам ҳайронлар,
Шиддатингиз оташидан тинди ҳатто вулқонлар.

Алпомишга бешик бўлган давлат элдан кетмагай,
Меҳру вафо, ору номус асло дилдан кетмагай.

Ойбарчинсан, Барчинойсан, сенга шараф-шон, сингелим,
Ой десам гул, гул десам ой — Гўлжонийжон, жон сингелим!

Бойчибордай ер депсиниб кўксим аро дилларим,
Ҳар зарбиндан қалқиб турди менинг ҳам кўнғилларим.

Ғалабанадан тинди ёпон булбулларин охи, гул,
Моҳиулсан Фарғонадан, асли — атлас, шоҳи гул.

Қудратингдан озод юртнинг осмонларин кўрдим мен,
Қурбонжондай додхоҳларнинг армонларин кўрдим мен.

Асиласиз, Нозимахон, Нафисасиз ҳам София,
Сизлар билан ғолиб бўлиш қанча орзу ҳам соф ният.

Шоҳсанамсиз, Нурхондирсиз, Рўзахон ҳам Парвина,
Бибиҳоним момоларнинг донги сизга парвона.

Менинг Қумушбилларим, менинг Олтин ойларимсиз,
Қўксини шеърага тўлдирган тошқин-тошқин сойларимсиз.

Токиодан чиқса қуёш — пешвоз олган Термизларим,
Эй, юзлари қирмизларим, эй, сиз менинг Қирққизларим.

Наврўз келгандайн олам бир кечада уйғонди-ей,
Рўйи замин Ўзбекистон байроғига чулғанди-ей!

Бу хушхабар Андижондан қанот ёзиб учгандайн,
Токиода Бобур Мирзо гўё зафар кучгандайн.

Учқундирсан — Жалолиддин Манғуберди бунёдисан,
Кўрсатолдинг бу дунёда сен кимларнинг зурёдисан.

Феруздиурсан, Шарифдиурсан, саййидларнинг зиёси,
Қўллаб турмиш Нақибандий боболарнинг дуоси.

Ҳусниддинсан, Муқбилдайн тошотарлар дарс олган,
Куч-ғайрат ҳам шижоатни дунё сендан қарз олган.

Исломбексиз, Элбекдиурсиз, Фозилбеклар — ўзингиз,
Элу юртга шон келтирган ҳозирбеклар — ўзингиз.

Сиз — яшил-оқ-кўк раналарга кўндирдингиз дунёни,
Ўзбекистон байроғига тўлдирдингиз дунёни.

Наврўз келгандайн олам бир кечада уйғонди-ей,
Рўйи замин Ўзбекистон байроғига чулғанди-ей!

Олислардан сен дуолар йўллаб турдинг, онажоним,
Ҳар бир ўғил-қизингни сен қўллаб турдинг, отажоним!

Шавкатли эл дилбандлари кўкси доим тоғ бўлсин-ей,
Она Ватан, Ўзбекистон мангу сўлмас бог бўлсин-ей!

5-6.09.2021 й.



ФАХР

Юртимизда энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами шукуҳи кезиб юрган шу кунларда халқимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуси тобора юксалмоқда. Токио—2020 ёзги Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз қўлга киритган ютуқлар Она Ватанимиз истиклолининг 30 йиллигига муносиб совға сифатида барчамизга чексиз қувонч улашди. Зеро, икки юзга яқин давлат вакиллари иштирок этган нуфузли спорт мусобақасида мамлакатимиз байроғи бир неча бор кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганда бутун дунё аҳли халқимизга ўз ҳурматини бажо келтиргани шарафлидир.

БУКИЛМАС ИРОДА ВА МАТОНАТ СОҲИБЛАРИГА ЮКСАК МАРРАЛАР МУБОРАК!



**Музаффар КОМИЛОВ,
Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмита раисининг
биринчи ўринбосари,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси ректори**

Уч кун олдин ушбу нуфузли спорт мусобақасининг узвий давоми сифатида Токио — 2020 ёзги Паралимпия ўйинлари ҳам якунига етди. Қўвонарлиси, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган матонатли спортчиларимиз дунё аҳли кўз ўнгига юқори натижани намойиш этди. Улар матонат баҳсларида 8 та олтин, 5 та кумуш, 6 та бронза медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида 162 давлат спортчилари ўртасида 16-ўринни эгаллади. Бу шуқуҳ ҳар бир ватандошимиз қалбида ифтихор туйғусини уйғотиши табиий.

Бинобарин, ушбу натижа билан Ўзбекистон терма жамоаси Осиё мамлакатлари ва МДХ давлатлари бўйича 4-ўрин ҳамда Марказий Осиё давлатлари ичида 1-ўринни эгаллади.

Биламизки, Паралимпия ўйинлари — ногиронлиги бор ва жисмоний имконияти чекланган спортчиларнинг энг йирик халқаро спорт анжумани ҳисобланади. Шу боис, ҳам кунчиқар юртда ўтказилган XVI ёзги Паралимпия ўйинларида ҳар бир спортчининг чиқишини нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё аҳли катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди. Мазкур беллашуларда Ўзбекистон жамоаси таркибида 48 нафар спортчимиз спортнинг 8 турида иштирок этди. Вакилларимиз мусобақаларнинг дастлабки кунлариданоқ ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, юксак натижаларни қайд этди.

Янги Ўзбекистонда ҳеч ким ҳеч қачон этивбордан четда эмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган байрам тантаналарида Токиода ўтаётган спорт ўйинларида қатнашаётган йигит-қизларимизни оқишлаб ўтгани эътиборга молик. Унда, жумладан, шундай дейилди: “Бугунги кунда янги ва мустақил фидокрайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар ёшларимиз жаҳон майдонларида турли соҳа ва йўналишларда юксак марраларни эгалламоқда.

Мана, яқинда Японияда бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида моҳир спортчиларимиз ғолиб ва совриндор бўлиб, барчамизни қувонтирдилар.

Айни кунларда Токиода ёзги Паралимпия ўйинлари қизғин давом этмоқда. Унда иштирок этаётган Ўзбекистон жамоаси аъзолари бугунги кунга



мият, халққа нафи теғмайдиган, юрти учун ёниб-қуймайдиган айрим инсонларга ўрناк бўлди. Улар барча машаққатларга сабр қилди. Бунинг ажрини олмақда ҳам. Дунё аҳли, хусусан, халқимиз эҳтиром, Президентимиз эътирофи орқали!

Атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асирида “Инсон ҳар бир ишни сабр ва матонат ила юртуса, мақсудига тинч ва роҳатда боруб етар”, деб ёзади. Дарҳақиқат, инсон бошига тушган мусибатларга бардош бериши керак. Орзу қилган олий мақомларга етиш йўлида сабрли бўлиши лозим. Зеро, ҳаёт сўқмоқларида дуч келинадиган турли синовлар ва машаққатлар фақат сабр ва матонат олдида енгилади.

Аллоҳ таоло бу ҳақида Қуръони каримнинг “Зумар” сураси 10-оятда “Албатта, сабр қилувчиларга жарҳан ҳисобсиз, тўлиқ берилади”, деб марҳамат қилади. “Наҳл” сурасининг 96-оятда эса шундай дейди: “Албатта, биз сабр этганларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр билан мукофотлаймиз”.

Шак-шубҳа йўқки, Паралимпия ўйинларида иштирок этган ҳар бир йигит-қиз ҳақиқий матонат ва жасорат соҳибларидир. Тақдирнинг ишларини қарангки, ҳаёт давомида матонат ва ирода синовидан бот-бот ўтадиган йигит-қизларимиз беллашуларга киришмасдан, қанча синовлардан ўтишларига ҳам тўғри келди. Беш нафар спортчимизда



коронавирус инфекцияси аниқлангани учун баҳсларда қатнашиш имкониятига эга бўлмабди. Олти нафар пара атлетимиз соғлиғидаги муаммолар мусобақалар олдида янада кучайгани сабабли курашни эрта тўхтатишга мажбур бўлишди. Аммо ҳар неки бўлганда ҳам, жасоратли ўғил-қизларимиз биз учун қаҳрамон! Намуна бўлғулук қаҳрамон!

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаб берган янги Ўзбекистоннинг барча жабҳаларида ривожланиш ва ўзгаришлар бўй кўрсатмоқда. Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногиронлиги бор ва жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг ҳам билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва интилишига қўра, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Шу мақсадда жорий йилнинг 18 май санасида “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори имзоланди. Бунинг натижасида жисмоний имконияти

БУКИЛМАС ИРОДА ВА МАТОНАТ СОҲИБЛАРИГА ЮКСАК МАРРАЛАР МУБОРАК!

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 25 июнида “2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги олимпиада ва XVI паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг иштирокчини таъминлаш ҳамда олимпиада спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг имзоланиши айни муддао бўлди. Юртимиз спортчиларининг ҳар томонлама тайёргарлиги ва муваффақиятли иштирокчини таъминлаш, олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчиларнинг моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мамлакатимизда Олимпиада ва Паралимпия ҳаракатларини янада ривожлантириш кўзда тутилди.

Қўвонарлиси, мазкур ислохотлар натижасида Токио майдонларида қўлга киритилган ютуқлар барчамизни беҳад қувонтирди. Аёллар ўртасида пара-енгил атлетиканинг найза улоқтириш турида Ф13 классида Нозимахон Қаюмова 42.59 метр натижа билан чемпион бўлди. Аҳамиятлиси, Нозимахон Қаюмова Рио паралимпиадасида ҳам жамоа ҳисобида олтин медални ёзиб қўйган эди. Шунингдек, пара-дзюдо бўйича 100 килограмм вазн тоифасида қатнашган Шариф Халилов икки карра Паралимпия ўйинлари совриндорига айланганини эътироф этиш жоиз.

Метин иродали фарзандимиз Феруз Сайидов Паралимпия ўйинлари ғолибига айлангани шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилганида Ферузбекка қўшилиб қувончдан йиғлади. Уша он мана шундай ўғлонни камолга етказган юрт вакили сифатида фахр ва ифтихор туйғусини, худди ўзимиз чемпион бўлгандек ҳисси туйди.

Албатта, мазкур муваффақиятларнинг замирида имконияти чекланган бўлишига қарамай ўзида куч ва матонат тўплаб, ҳаётда ўз номин ва изимни қолдираман, деб астойдил ният қилган, бу йўлдаги барча қийинчиликлар ва машаққатларни енгиб ўтган спортчи йигит-қизларнинг заҳматли меҳнати ётибди. Аммо бу ютуқларга уларнинг оғир кунда хамроҳ бўлган, қўлидан тутган, ўз кучига бўлган ишончни уйғотишга ундаган ота-оналари, яқинлари ва устозларининг ҳиссаси борлигини айтишни истардим. Биргина мисол.

Барчамиз аёллар ўртасида узунликка сакраш бўйича баҳсларда иштирок этган Асила Мирзаёрованинг медаль учун сўнги имкониятини ҳаяжон билан қўзғатди. Шогирди учун кўз ва тирак бўлган мураббий Сардор Абдухаликов ҳақиқий устоз меҳри ва шижоатини намойиш этди. У чин мураббий қандай бўлишига намуна.

Мухтасар айтганда, сабр ва матонат тим-солларига айланган, имконияти чекланган бўлса-да, ўзида куч ва ирода топиб, спортимиз ривож учун муносиб ҳисса қўшган ва қўшаётган йигит-қизларимизни ҳар қанча эътироф этсак арзийди.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашир индекси — 236. Буюртма — 2865. 76354 нускада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржавов Мусаҳҳих: Малюхат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29		
Девонхона: (0-371) 233-70-98	Котибият: (0-371) 233-56-60	Эълонлар: (0-371) 233-57-15	E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru	ЎзА якуни — 23:15 Топирилди — 04:35